

У Ю Ш М А Н И Н Г Ў З Н О М И Б Ё Л С И Н !

Диққат! Диққат!

**Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар
Уюшмаси аъзолари!**

**Ўзини болалар ташкилотининг
ажралмас бўлаги ҳисоблаган ёшлар!**

**Бугун эътиборингизга
ташкilotингиз номи, бўйинбоғи ва ни-
шонларининг лойиҳаларини эълон
қилмоқдамиз. Уларни синчковлик
билан кўздан кечиринг. Маъноларини
ўргангиз. Ўртоқларингиз, ташкилотга
аъзо бўлган бошқа болалар билан
муҳокама қилинг, фикрлашинг.
Ўзингизга маъқул бўлган нишон,
бўйинбоғ лойиҳаларини, номларни
бизга ёзиб юборинг!**

Сизлардан хабарлар кутамиз!

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Марказий Кенгашининг Бюроси бўлиб ўтди. Бюрода Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси аъзоларининг нишон, номи ва бўйинбоғи ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

— Бугунги кунгача ташкилотимиз анча ўзини тутиб олди ва кўпгина яхши ишларни амалга ошира бошлади, — дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кўмитаси котиби, Уюшма раиси **Сабоҳат опа ШУКУРОВА**. — Ҳисобимизда ташкилот аъзолари амалга оширган фойдали ва қизиқарли ишлар сони тобора ортиб бормоқда.

Шу йил давомида Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда барча вилоятларда Уюшманинг янги рамзлари бўйича кўрик-танлов эълон қилган эди. Шунга асосан барча вилоятларнинг туман ва шаҳарларидан кўплаб таклифлар олинди. Тажрибали рассомлар ҳам ўз маҳоратларини ишга солиб, бир қанча нишон лойиҳалари эскизларини чизиб беришди.

Вилоятлардан келган Бюро аъзолари Уюшма аъзолари ҳам ўзаро бу масалада фикрлашаётганликларни ташкилот нишон лойиҳаларини чизиб беришди. Ҳақида айтиб ўтдилар. Барча вилоятлардаги Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси аъзолари томонидан чизиб юборилган нишон

лойиҳалари намойиш этилди. Уларда болалар, етакчилар ташкилот ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда нишон тасвирларини чизишган.

Бугун биз ушбу Бюро мажлиси ҳақида батафсил тўхтаб ўтаётганимизнинг сабаби бор. Унда иштирок этган Бюро аъзолари рассомлар чизган ва вилоятлардан юборилган нишон, бўйинбоғ лойиҳалари ва таклиф этилган номлардан бир нечасини танлаб, республикамиздаги барча болалар эътиборига ҳавола этишга қарор қилишди. Бугун сиз саҳифамизда кўриб турган нишон ва бўйинбоғ лойиҳаларини эртанги кунда ташкилотингиз учун асл рамзлардан бўлгучи лойиҳалардир. Уларнинг ҳар бирида болалар ташкилотининг асл мақсадини англагучи маъно бор. Яхшилаб уларни кўздан кечиринг. Ҳар бирининг маъносини англашга ҳаракат қилинг. Дўстларингиз, синфдошларингиз, маҳалладош ва ташкилотдошларингиз билан муҳокама қилинг, фикрлашинг. Қайси бири сизнинг ташкилотингиз учун мос? Қайси бири кўпроқ маъно бермоқда? Танланган лойиҳаларнинг тўрттаси Уюшманинг катта ёшдаги аъзолари учун, уч лойиҳа эса кичик ёшдаги аъзолар учун.

Собиқ кашшофлар ташкилоти

аъзолари ўзларининг рамзлари сифатида доимо олов ранг бўйинбоғ тақиб юрар эдилар. Бу уларнинг қайси ташкилотга аъзо эканлигини билдириб турар эди. Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси аъзолари ҳам ташкилотнинг ўз бўйинбоғи бўлиши керак деган фикрга келдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг таклифлари, Марказий Кенгашнинг фикри билан эътиборингизга бўйинбоғнинг уч хил кўринишдаги лойиҳаларини ҳавола этмоқдамиз. Ҳар уччала лойиҳа ҳам дид билан, маънодор қилиб чизилган. Ўйлаб кўринг ва энг маъқул кўринишини бизга ёзиб юборинг.

Энди эса энг муҳим масала — ташкилотнинг номи устида тўхталиб ўтамиз. Вилоятлардаги болалар билан бўлиб ўтган учрашувларда, етакчилар семинар-кенгашларида, слётларда ташкилот аъзоларининг фикрларини кенг ўрганиб бордик. Болалар турли хилдаги, маънодор сўзларни ташкилотга ном сифатида таклиф этишди. Биз уларнинг барчасини ёзиб олгандик. Бюро аъзолари ана шуларнинг айримларини, ташкилотга мос келадиганларини сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқда. Кўриб, уларнинг ичидан ўзингизга маъқулини бизга маълум қилинг.


Ташкилотнинг катта ёшдаги аъзолари учун:

**Камалак;
Нурли авлод;
Қалдирғоч;
Тимурийлар.**

Ташкилотнинг кичик ёшдаги аъзолари учун:


**Ҳумочалар;
Ғунчалар;
Кичкинтой.**

3. Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмасининг боғланган ҳолатдаги бўйинбоғи (унинг чап қисми кўк, ўнг қисми яшил, ўрта қисми оқ рангда), бир учда ташкилот номининг бош ҳарфлари кўрсатилган, Ўзбекистон давлат байроғидан олинган ранглар миллий истиқлол ва мустақиллик гояларига содик бўлган Ўзбекистоннинг келажак авлоди рамзи. Бўйинбоғ фақат тантанали кунларда боғланганлиги сабабли бу нишон бўйинбоғнинг бир бўлагидир.




4. Бешта рангли байроқчалар (чапдан ўнгга 4 қараб қизил, олов ранг, сарик, яшил, мовий ранглар) билан ўраб олинган нишоннинг ўртасидан тоғлар (кўк рангда) ортидан чарақлаб чиқаётган куёш (олов рангидаги) акси. Бу эндигина ҳаётга қадам қўяётган болалар ташкилоти тимсоли, ҳар бир байроқнинг ранги, болалар ташкилотининг бир фаолият йўналишини акс эттиради, қуйи қисмидаги яшил ранг эса она-юрт, табиат тимсоли, давлат байроғи рангидан намуна болалар ва ўсмирларнинг миллий истиқлолга, мустақиллик гояларига содиклигини билдиради.

Ушбу тўрт лойиҳа ташкилотнинг катта ёшдаги аъзолари учун тавсия этилади. Қуйидаги уч лойиҳа эса кичик ёшдагилар учун:



1. Асосий ранги оч сарик бўлган саккиз қиррали нишон, юқорида куёш нури (сарик рангда) сочилиб турибди. Болалар (уларнинг кўринишдаги чап қисми кўк, ўнг қисми яшил, боши тўқ сарик рангда) бир-бирларининг кўлларидан ушлаб куёшга, келажакка томон интилишяпти. Пастки қисмида Ўзбекистон байроғининг рамзи туширилган лента (унинг юқори қисми кўк, ўртаси оқ ва қуйи қисми яшил рангда), Ўзбекистоннинг келажак авлоди тимсоли, миллий истиқлол ва мустақиллик гояларига содиклик акс эттирилган.

2. Асосий ранги тўқ сарик бўлган саккиз қиррали нишоннинг ўртасида миллий дўппи (у қора рангда), миллийлигимиз тимсоли сифатида берилган, нишоннинг ўртасида келажак авлод тимсолида икки боланинг тасвири (оқ рангда) туширилган, қуйи қисмида Ўзбекистон байроғи рамзи туширилган лента (юқори қисми кўк, ўрта қисми оқ ва қуйи қисми яшил рангда), умумий кўриниши унинг тасвири, болалар Ўзбекистоннинг келажак уини қуришда унинг асосий пойдевори, устуни эканлигини билдиради.




1. Куёш нурлари акс эттирилган саккиз бурчак (тўқ сарик рангда) ўртасида икки нафар жажжи кичкинтойлар (яшил рангда) акси, бизнинг ворисларимиз тимсоли.




2-бетга қадамиз

УЮШМАНИНГ ЎЗ НОМИ БЎЛСИН!




2. Болалар қўлини очиб, бешта қиррани кўтариб турибди. Бу беш қирра (тўқ сариқ рангда, қўйи қисми қизил хошия билан юргизилган) Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмасининг бешта фаолият йўналишини билдиради. Боланинг чап қисми кўк рангда, ўнг қисми яшил рангда. Бош қисми эса тўқ сариқ рангда. Кўк ранг тириклик мазмунини акс этган мовий осмон ва оби ҳаёт рамзи, яшил ранг — умид, навқиронлик, табиатнинг янгиланиш рамзи, сариқ ранг — куёш нурлари бўлиб, болалар Ўзбекистоннинг нурли авлодлари экани тимсоли, қизил хошия — вужудимизда оқаётган ҳаёт ирмоқларидир.



3. Нишон учишга тайёрланаётган оқ кабутар — тинчлик тимсолидай тасвирланган. Ушбу нишонда икки маъно бор: у очилиб келаётган гунча — келажак авлодни тасвирлаш билан бирга, парвозга тайёрланаётган оқ кабутар — тинчликсевар болаларимиз маъносини ҳам англатади. Нишоннинг чап қисми кўк рангда, ўнг қисми яшил рангда, кабутар эса оқ рангда. Нишоннинг атрофи тўқ сариқ рангдаги хошия билан юргизилган.

Тавсия этилаётган бўйинбоғ лойиҳалари асосан давлат байроғи рамзида.



Биринчи кўринишда бўйинбоғнинг юқори ва қўйи қисми яшил рангда, қизил рангдаги хошия билан чизилган оқ тасмадан сўнг кўк рангли тасма чизилган.

Иккинчи кўринишдаги галстукда ҳам юқори қисми яшил, ўрта қисми қизил хошия билан юргизилган оқ тасма ва кейинги қисми кўк рангда.

Учинчи кўринишдаги бўйинбоғнинг асосий қисми яшил рангда. Ўнг томондаги бурчакнинг қўйи қисми яшил, кейин қизил хошия билан юргизилган оқ тасма ва ундан кейин кўк рангдаги тасма чизиб кўрсатилган.

Келтириб ўтилган номлар ва тавсия этилган нишон, бўйинбоғлар лойиҳалари сиз болаларга, ташкилотнинг бугунги ва келажакдаги эгаларига маъқул келади, деган умиддамиз. Шу сабаб ҳам тез кунлар ичида бизга ушбу лойиҳа таклифлар борасидаги фикр ва мулоҳазаларингизни муҳарририят ходимларига мактублар, телефон қўнғироқлари орқали етказасизлар деб ўйлаймиз. Кўнглингизда янги-янги таклифлар пайдо бўлса, тортинмай бизга хабар қилинг. Балки ана шу сиз тавсия қилаётган лойиҳа барчага маъқул бўлар. Биз эса ўз навбатида ушбу таклифларни Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмасининг Марказий Кенгашига албатта етказамиз.

Мактуб ва таклифларингизни қўйидаги манзилгоҳларга юборинг.

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, "Тоғ юлдузи" газетасига.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй. Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Марказий Кенгашига.

КЕЛАСИ ЙИЛ ЯНА ҚАЙТАМИЗ...

Бўстонлик туманининг сўлим, баҳаво, хушманзара тоғ ён бағирларида жуда кўплаб дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари жойлашган. "Автомобилчи" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам шулар жумласидандир. Мана ўн йилдирки, ези таътилда кўплаб болажонларни ўз бағрига чорлайдиган ушбу маскан нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам севимли жойига айланган.

Бу йил ҳам уч мавсумда 400 дан зиёд фарзандларимиз мароқли дам олиш билан бирга саломатликларини ҳам тикламоқдалар. Оромгоҳ ҳаёти кувноқ, кутилмаган, қизиқарли саргузаштларга бой. Бир куни топқирлар ва зукколар билмларини синаб кўрсалар, бошқа куни қизиқарли спорт мусобақаларида эччил ва чаққонлар беллашадилар. Бир кун сувда "Нептун байрами"ни ўтказишса, бошқа куни тарбиячи ва етакчилари Нодира Отажоновна, Дилноза Шоюнусова, Шокир Эркмаков, Муяссар Йўлдошева, Соҳиб Султонов ва бошқалардан

ташқил топган "Кичкинтойлар гуруҳи" аъзолари билан бахшлашадилар.

Айниқса ошпаз ака опалари ҳозирлайдиган лаззатли овқатларнию яхна мева шарбатларини айтмайсизми? Тоғнинг муздек, зилол сувларида чўмилиш каттаю кичикка завқ улашади.

Болажонларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари, саломатликларини мустаҳкамлаб, зўр гайрат билан янги ўқув йилини бошлашлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратишда оромгоҳнинг ҳомийлари бўлиш Тошкентдаги 2,3,5-ва бошқа бир қатор автокорхоналарнинг беминнат улушлари бекиёсдир.

Оромгоҳларда ҳар мавсумнинг якунида дам олувчиларнинг улкан гулхан атрофига жамланиб, бир-бирларига эзгу-ниятлар билдиришлари яхши анъанага айланган. "Автомобилчи"лар ҳам гулхан атрофида қадрдон оромгоҳлари билан хайрлаша туриб: "Келаси йили бағрингга албатта яна қайтамыз", дея сўз бердилар.

Феруза АСОМОВА.

"ОРОМГОҲДАН МАМНУНМИЗ"

— Наманган агросаноат бирлашмасига қарашли оромгоҳимизда болажонларнинг кўнглили хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни ҳозирлашга ҳаракат қилдик, — дейди оромгоҳ директори Ваҳобжон ака Мамажонов. — Оромгоҳимизда деярли ҳар куни бирон бир тадбир ўтказамиз. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, езувчи ва шоирлар билан жонли мулоқотлар, қизиқарли беллашув ва спорт мусобақалари, хуллас, фарзандларимизнинг зеркишига фурсатлари йўқ...

Мириқиб дам олаётган Нўмон Раҳмонов, Шухрат Тожихўжаев, Фарход Мелихонов, Баҳром Раҳмонов билан суҳбатлашганимизда, улар ҳам бу оромгоҳдан мамнун эканликларини айтишди.

Ҳ. МИРЗААХМЕДОВ,
Наманган вилояти.



Косонсонда бешта болалар оромгоҳи бор. Айни таътил кунлари уларнинг ҳар бирида мингдан зиёд болакайлар мириқиб хордиқ чиқаришмоқда. Биз ана шундай сўлим оромгоҳлардан бири "Октябрь 50 йиллиги" (номи ханузгача ўзгартирилмабди?!) да бўлиб қайтдик. Оромгоҳни айлансангиз, тангадек офтоб тушадиган жойни излаб, бекорга овора бўласиз. Гир-гир эсган шободани айтмайсизми? Турфа хил кушларнинг чугур-чугури сизни ўзга бир оламга етаклайди. Сархил мевалар гарқ пишган, олча дейсизми, ёки ўрик ейсизми? Чилги узумга ёки нашвати покка иштаҳа қалай? Маймунжонлар эса сиз билан беркинмачок ўйнайди, топсангиз сизники! Иссиқлаб кетдингизми, анҳорга бир шўнгиб олинг!..



Ёз неъматлари

Р. Альбеков туширган сурат-лавҳа.



"Мен шаҳарга етиб келиб, унинг ташқарисидан тўхтадим. Хамроҳларимиздан бири шаҳар қозиси Садр Абу Ҳафс ал-Бакрининг ҳузурига йўл олди. У ҳам менга ўз ноибни Нурил Исломи кишини юборди. Нурил Ислом ҳолаҳвол сўрашгач, ўз хўжасининг олдига қайтиб кетди. Шундан сўнг қози ўз одамлари ҳамроҳлигида келиб мен билан кўришди. У ёш эрса-да, хизматлари улугъ эди. Мазкур қозининг икки ноибни бор, бири ҳозир эслатилган Нурил Ислом, иккинчиси эса, олло таолога эътиқоди бағоят устивор ҳамда фикҳ (қонуншунослик) илмини сув қилиб симириб юборган Нуриддин ал-Кермонийдир. Қози билан учрашув чоғимизда у менга шундай деди: "Шаҳримизда азбарои одам кўплигидан йўл топиб юришингиз амри маҳолдир. Шулар боис ноибимиз Нурил Ислом бошчилигида фақат тонга яқин қира олурсизлар". Розибўлмасликка иложимиз қолмади. Биз кимсасиз бир мадрасага бориб кўндик. Бомдод номозидан кейин ҳузуримизга юқорида номи қайд этилган қози ва шаҳарнинг улугъ мартабали кишилари ҳам ташриф буюрдилар. Улар орасида мавлоно Хумомиддин, мавлоно Зайниддин ал-Мақсадий, мавлоно Риойиддин ал-Ридовий, мавлоно Жалолиддин ал-Имодий ва Хоразм амирининг имоми Шамсиддин ас-Синжорийлар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳурматли муносиб одамлар эрди..."

Ушбу сатрлар шарқшунос олим Неъматилла Иброҳимовнинг 1988 йили Москвада рус тилида чоп этилган "Ибн Боттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳатлари" номли китобига таълуқлидир. Ибн Боттута ҳақидаги бу китоб биринчи марта нашр этилган бўлиб, унда сайёҳнинг ҳаёти ва унинг ўзи ёзиб қолдирган сафар таассуротлари қисман баён қилинади. Ибн Боттутанинг тўлиқ исми Шамсиддин Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Лаватий ат-Танжий бўлиб, 1304 йили Марокашга қарашли Танжир шаҳрида, ўрта ҳол оилада дунёга келган. Ўз шаҳрида саводини чиқаргач, илмга чанқоқ сайёҳ 1325 йили Саудия Арабистонининг Макка шаҳрига йўл олган. У ерда барча диний ақидаларни тўла адо этиб, "хожи" деган фахрий унвон олишга мўяссар бўлгач, ўз йўлини давом эттирган. Йигирма етти йиллик муттасил саёҳати давомида Ибн Боттута юзлаб катта-кичик шаҳарлар, қишлоқларда бўлиб, Шимолий ва Ғарбий Африқа, Арабистон ярим ороли, Испания, Туркия, Эрон, Шарқий Оврупо, юқорида қайд этганимиздек, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ҳамда ниҳоят Хитойга саёҳат қилган. Бу эса роппа-роса 75 минг миля, яъни, 150 минг километрлик масофани ташкил этади. Агар ўша давр назари билан қаралса, ҳар қадамда хавф-хатарларга тўла бағоят машаққатли бўлган ўша оғир йўлни босиб ўтиш бу осон гап эмас. Бундай йўлни босиб ўтиш учун кишидан довураклик, ғайрат, сабот, сабр-матонат ҳам талаб қилинар эди.

Ибн Боттута қадами етган ҳар бир мамлакатнинг шубҳасиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига, маданиятига алоҳида эътибор берган. Кўрган-кечирганларидан ташқари эшитганларини ҳам ўз назар-эътиборидан қочирмаган. Айниқса, Ибн Боттутанинг қора денгиз орқали Қиримга, ундан эса, Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Беркага келгандаги фаолияти тарихий аҳамиятга моятклиги билан қимматлидир. Лекин биз сайёҳнинг 1333 йили Ўрта Осиёга қилган сафарига кўпроқ тўхталамиз.

Сайёҳнинг Хоразм пойтахти — кўҳна Урганчга етиб келиб унинг қозиси томонидан кутиб олингани тўғрисида юқорида келтириб ўтган эдик. Шундан

кейин у, яна сўзини давом эттириб шундай деб ёзади:

"Бу шаҳарга келган куним юқорида исми қайд этилган қози Абу Ҳафс Умар билан масжиддан узоқ бўлмаган уйига бордик. У билан девонхонага кирдик. Девонхона жуда мухташам эди. Деворларига ажойиб гиламлар осилган, палаклар билан ёзилган тоқчаларда зарҳал идиш-товуқлар, ироқий кумиш кўзалар териб қўйилганди. Одатда у ернинг аҳолиси уйларини шундай дид билан безатар эдилар. (Сайёҳ албатта бу ерда ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларни кўзда тутди. Ҳ. 3.) Сўнг ҳар хил таомлар тортилди. Қози улкан ер-мулкларга эга жуда бой одам эди. У амир Қутлуғ Темур билан божа бўлиб, унинг хотинининг Жажжи оға исми сингисига уйланган эди..." Шундан кейин сайёҳ ҳозиргина эслатганимиз машҳур тарихий шахс Қутлуғ Темур билан кўришгани ҳақида қалам сураркан ёзади:

"Хоразм амира дарҳақиқат исми-жисмига монанд киши эди. Айни вақтда у

Бу амирнинг жорий этган одатларидан бири шу эдики, ҳар кун қози унинг қабулхонасига келар ва унга ажратилган курсига ўтирарди. Унинг билан бирга фақиҳлар ва котиблар келардилар. Қозининг рўпарасига бош котиблардан бири ўтиради, унинг ҳузурига ёрғучи деб аталадиган саккиз нафар сара турк амир ва шайхлари бўлар ва уларнинг ҳузурига одамлар даъво-дастарлар билан келардилар. Диний ишларга таълуқли масалаларни қозининг ўзи, бошқа масалаларни эса, бояги бош котиблар кўриб чиқардилар. Ҳеч бир масалада улар зинҳор қизиққонлик қилмас, пора олмас эдилар. Муддаилар (арздорлар) ҳам шунга кўникиб қолган эдилар", — деб ёзади Ибн Боттута ўз эсдалик сафарномасида.

Шубҳасиз, бу сўзлар XIV асрда, Ўзбекхон замонасида ислом дини Олтин Ўрда жамияти табақасининг ҳукмрон ғояси бўлиб қолгандан кейин ҳам суд ишларининг бир қисми ҳамон ёрғучилар қўлида, яъни мўғулларнинг одатдаги

гумбазли мақбара қад ростлаган", дейди.

Сайёҳ Хоразмдан оқиб ўтадиган Амударёга ҳам эътиборини қаратиб: "...Хоразмнинг шундоқ ёнидан жаннатдан ато этилган тўрт дарёлардан (У бу ерда Нил, Тигр, Фрот, Жайхун дарёларини назарда тутди. Ҳ. 3.) бири бўлган Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё Итилга (Волга) ўхшаб кетади", деб ёзар экан, ушбу дарёни нафақат ҳаёт, балки хоразмликлар иқтисодий тижоратининг манбаи эканлигини ҳам қайд этиб ўтади.

Ибн Боттута Хоразмда қисқа вақт тургандан кейин, ўша даврларда чифатоийлардан бўлмиш Аловиддин Тормаширин (1326—1334 йил) ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳрга йўл олган. Умуман, у қаерда бўлмасин, ҳаммаша бирдай илиқ кутиб олинганини қайта-қайта баён қилади. У дастлаб оламга машҳур шаҳарлардан бири Бухорога бораётиб, унинг ниҳояси Вобкентда тўхтаганини шундай таърифлайди:

"Бу туман Бухорога бир кунлик йўлда жойлашган, ҳовузлари, боғ-роғларига эга чиройли шаҳарчадир. Аҳолиси узумни йил давомида сақлайдилар. Уларда айниқса, бир нав мева бўлиб, уни ал-аллу (олхўри) деб атайдилар. Одамлар уни қуритиб Ҳиндистон ва Хитойга элтадилар. Етилиб пишган меваларни сувга чайиб ичадилар. Қуритилганлари эса нордонроқ таъм беради. Бу мева кўп юмшоқки, бундайини Андалузияда (Испания) ҳам, Сурияда ҳам кўрмадим". Шундан кейин у, кун бўйи буткул боғлар, ҳовузлар, дарахтзору ямшил экинзорлар оралаб Бухорога етиб борган. Шаҳарни зиёрат қилар экан, бу ўлкада унча кўп бўлмаган омон қолган баъзи иншоотлардан

бошқа Чингизхон истилоси даврида вайрон этилган масжид, мадраса ва бозорлар ҳанузгача хароба ҳолида ётганини чуқур таъсуф ва қаттиқ ачиниш билан гапирди. Ундан сўнг Бухородан узоқ бўлмаган Фатхободга ташриф буюради.

У ерда Ибн Боттута машҳур дин арбоби, нақшбандийлик тариқатининг етакчиси Шайх Нажмиддин Куборонинг шоғирди бўлмиш шайх Сайфиддин ал-Боҳарзийнинг невараси, юртнинг улугъларидан бири муфти шайх Яъҳё ал-Боҳарзийнинг уйида меҳмон бўлади. Бу одам Ибн Боттутанинг шарафига шаҳарнинг таниқли кишиларини уйига чорлайди. Қиссахонлар ажойиб овозда Қуръон тиловат қиладилар. Муфтийнинг ўзи маърузалар қилгани, турк ва форс тилларида жуда латиф қўшиқлар айтилган ва бошқалар ҳақида саёҳатномада батафсил ҳикоя қилинган.

Зўр ирода, ақл-идрок соҳиби бўлган ҳожжи Ибн Боттута шундан сўнг Нахшобга (Қарши) боради. ва султон Тормашириннинг қабулида бўлгани, У билан қилган диққатга сазовор мулоқотлари ҳамда бу ҳукмдорнинг ва эшитиш бўйича унинг ўтмиш тождорларининг сифатлари, ҳамма-ҳаммаси ҳақида муҳим тарихий маълумотларни баён этади. Тадқиқотчи сайёҳ бу ердан Самарқандга борган. У ўша 1333 йилиёқ Ўрта Осиёга қилган саёҳатини яқунлаб, Шимолий-Шарқий Эронда, ундан кейин эса, Ҳиндикуш орқали ўша йилнинг 12 сентябрида Ҳиндистонга борган ва у ерда қарийиб саккиз йилча туриб қолган. Сўнгра у ўзи кўпдан бери орзу қилган Хитойга боришга мушарраф бўлади. Тиниб-тиничмаган бу донишманд сайёҳнинг айниқса Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тўғрисида ёзиб қолдирганлари, гарчи ўша давр оддий меҳнат аҳлининг ҳаёт тарзини кам қаламга олиб, кўпроқ ҳукмрон синф вакилларининг таърифини келтирган бўлишига қарамай, ўлкамиз тарихига, унинг маданиятига оид бизгача етиб келмаган муҳим манбаларни тўхфа этади. Ибн Боттута 73 йил яшаб ўз ватанида — Танжирда вафот этади.

Ҳабибулла Зайниддин.

ИБН БОТТУТА БУЮК САЙЁҲ

Хуросоннинг волийси (ҳокими) ҳамдир. Унинг ўғли Ҳорунбек султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг (1312—1342 йил) қизига уйланган. Қизнинг онаси султоннинг завжаси малика Тойтуғли исми аёл эди. Қутлуғ Темурнинг завжаси Тўрабек хотун ўзининг олийжаноблиги, олийҳимматлиги билан маълум ва машҳур аёлдир. Урганч ва унинг ташқарисидан қурилган ва ҳали ҳануз қурилаётган бинолар кўпроқ унинг номи билан юритилар экан.

Қози мен билан кўришгани келганда шундай деди: "Амир сени кўргани келмоқчи эди, бироқ тоби қочиб қолди". Сўнг мен амирдан ҳолаҳвол сўрагани қози билан бирга жўнадим.

Биз амирнинг уйига келдик ва ҳашаматли меҳварига (деворхонасига) кирдик. Хоналарнинг кўпчилиги оғочдан (ёғоч) ишланган. Кейин биз гумбази ўймакор нақшлар билан безатилган кичик уйга кирдик. Деворларига ранго-ранг палаклар ёзилган, шипларига зардўзи шойилар илиб қўйилган. Амир шойи кўрпачада ўтирарди, бод тўфайли оёғини кўрпага ўраб олган эди. Бундай касаллик турклар орасида кенг тарқалган. Мен бориб амир билан кўришдим. Амир мени ўз ёнига ўтказди. Амир ўз султони Муҳаммад Ўзбекхон ҳақида сурширтди: Боёлун (Бу Ўзбекхоннинг бошқа завжаси бўлиб, Қўстанания (Константинополь) қироли Ласкариснинг қизи эди. Ҳ. 3.) хотун ва унинг отаси ҳамда Қўстанания (Бу шаҳар кейинчалик салжук турклари томонидан ишғол этилиб, "Истамбул" деган ном олган. Ҳ. 3.) шаҳри ҳақида ҳам сўради. Мен унга билганимча ҳаммасини сўзлаб бердим. Сўнг баркашларда қовурилган товуқ, турна ва қабутарлар, бўғирсоқлар, мойли кулчалар ва турли қандолатлар келтирилди. Сўнг қатор баркашлардаги олтин ва кумуш тақсимчаларда хўл мевалар дастурхонга тортилди. Уларда арчилган тотли анорлар бўлиб, олтин ва оғоч қошиқлар ҳам бор эди. Бир қанча ироғий чинни идишлардаги узум ва ажойиб қовуялар кишининг ҳавасини келтирар, иштаҳасини очиб юборарди.

қонуни бўлган Чингизхон ясоғи асосида ҳукм қилувчи ҳакамлар қўлида бўлганлигини яққол кўрсатади.

Ибн Боттута Хоразм амира Қутлуғ Темурни одил, фуқаропарвар, унинг завжасини диёнатли, тоғфиқли деб таърифлар экан, буларнинг саъйи-ҳаракатлари билан кўҳна Урганч ва Хоразмнинг бошқа талай жойларида олиб борилган юксак маҳобатли қурилишлар, ободонлаштириш ишларининг адоғи йўқлигини, ўша даврлардан то Чингизхон истилосига (1221 йил) қадар Хоразмда аҳоли қандай зич бўлган бўлса, Қутлуғ Темур даврига келганда ҳам худди шундай аҳоли зич яшаганлигини ёзади. Ҳатто кундуз кундан то шомгача одам тирбанд ҳаракат қилганлиги тўфайли шаҳар гўё чайқалиб турган денгизга ўхшашлигини ҳикоя қилади. Бу нарса бизнинг кўз олдимизда ҳар томонлама қайта қамол топган маданият ўчоғи ҳамда савдо маркази бўлган қудратли давлатни бевосита гавдалантиради.

Сайёҳ Урганч бозорига ҳам тўхталиб, унинг ҳам ҳар кун шундай тирбанд бўлишини, фақат жума кунигина бозорда одам сийраклашлигини ёзади. У, бу ерда битта энг яхши отнинг баҳоси беш динордан ошмаслигини гапирди. Исломи дини ва расм-русмларга қаттиқ эътибор қилинишлиги, етти ёшдан етмишгача жума номозга масжидга чиқиш шарт бўлгани, мабода сабабсиз бирон ким чиқмай қолса ундайларга беш динор миқдорда жарима солингани, пули бўлмаса ёки тўлашга қурби етмаса унда дарра билан жазолаш усули қўлланилгани, бундай дарра ҳар бир масжиднинг кўринадиган жойида доимо осиглик туришлигини ҳам муфассал баён қилган.

Сайёҳ Урганчдаги табаррук зотлар дафн этилган жойга бориб марҳумларни зиёрат этган. Ибн Боттута ўз эсдалигида шундай машҳур сиймолардан бири, буюк тилшунос аллома Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий бўлиб, бу ҳақда у: "Урганчда буюк аллома, имом Абулқосим аз-Замахшарий дафн этилган жойни зиёрат этдим. Унинг қабри тепасида

Шоирлар—болаларга

Мухторхон Умархўжа шеърятга 80 йилларнинг ўрталарида кириб келган. У кўпроқ лирик тизмалар битувчи, ғазалиetni юракдан хис этувчи шоир сифатида республика матбуотида қатнашиб туради. Унинг ғоявий баркамол, бадиий юксак, мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлган шеърлари кўпроқ аъруз вазнида ёзилган. Буларда миллий қадриятларимиз, ҳалоллик ва поклик, миллий психологик ва педагогик руҳият бўлиб туради. Шу сабабли Мухторхоннинг шеърлари оғиздан оғизга ўтиб бастакорлар томонидан куйга солиб айтилмоқда.



Мухтор УМАРХЎЖА

Қадр

Дунёда ҳўб азиз туйғудир-қадр,
Бу йўлда ҳамма тенг: фарқи ҳам нади;
Қадрсиз қошона бўлгуси мазор,
Чивинга хаттоки, ётказма озор.
Баъзилар қадрни бойликдан излар,
Шу йўлда амалга қуллук қилишар.
Ахир қўлнинг қира бойлик ҳамда зар,
Буни билмайдилар ёки билишар?!
Адашма қадрни излашда ҳардам,
Тилинг билан дилинг бир бўлсин ҳар чоғ.

Оёқ енгил бўлсин ва белинг бардам,
Қўлинг ишда бўлсин, дилингда оллоҳ.
Қадрни юракдан қилибон изҳор,
Қадрнинг қадрига етгайсан, Мухтор.
Қадрни беғубор одамдан топгин,
Дерлар, қадр тоза инсонларда бор.

Ўғил-қизларим

Чароғон йўлларни излар бўлсангиз,
Фаровон турмушни кўзлар бўлсангиз,
Халқни ўйлаб, магар бўзлар бўлсангиз,
Келажак ҳаётдан сўзлар бўлсангиз,
Илмга интилинг, ўғил-қизларим,
Юртим бахти бўлган қора кўзларим.

Зулматни ёритгай илм чароғи
Бордир даҳоларнинг бунда булоғи,
Илмга аригай душман тузоғи
Яқин бўлгай сизга юртинг йироғи,
Илмга интилинг, ўғил-қизларим,
Юртим бахти бўлган қора кўзларим.
Бардоши тоқатли муродга етар,
Илмсиз дунёдан бенишон кетар.
Илм-ла, тузалмас аралар битар,
Мухторий илмни мадҳ этиб ўтар,
Илмга интилинг, ўғил-қизларим,
Юртим бахти бўлган қора кўзларим.

Қойил қолмадим

Мен қойил қолмадим сизга ёронлар,
Ватан дарди қани юрагингизда?
Томирда жўш урган нимадир бу кун
О, нима оқмоқда билагингизда.
Бир пайтлар хурликка бизни чорлаган,
Минг тепадан чиққан тенги йўқ бир шер,
Турон осмонидан ёрқин порлаган
Дукчи Эшонларнинг юрти-ку бу ер.
Келинг аҳд этайлик Ватан, эл учун,
Боболарга содиқ жасур ўғлонлар.
Истиклол галаба қозонмишдир чин,
Келди бизлар кутган кутлуг замонлар.
Орзу йўллариди она халқимиз,
Жаҳон ичра бугун ураркан жавлон,
Айтинг, ватандошлар йўқми ҳаққимиз,
Бошқа эллар каби сургани даврон?

Холисхон ОЛИМЖОНОВА

Камтарлик

Гуж-гуж олмаларнинг оғирлигидан,
Пурвиқор олмаларнинг қадди камалак.
Мевалар хом, бироқ бир сарғич олма,
Хомларга хусини кўз-кўзлаб ҳалак.
Бирдан қаердандир шўх сабо елиб,
Олма шохларини силкалаб кетди.
Мақтанчоқ олмани новдадан юлиб,
Бутун борлигини тилкалаб кетди.
Ҳалигина керилган энди ер тишлаб,
Ичида курти-ла нетар ёрилиб.
— Ичинг-ку пўк экан, — дер улар қулиб, —
Не қилар эдинг бевақт керилиб.

Иш қилар бўлсанг...

Олисни кўзлаб сен элга фойдали,
Қаттароқ юмушга қўл урсанг-ки бил,
Йўлингга берк кўча учраган гали,
Аҳли донишлардан сурайсан ақл.
Доно-ку етаклаб чиқарар йўлга,
Аммо шундайлар бор адашмасанг ҳам.
Жўртага бурнини суқиб ишингга
Гуруч билан тошни қиладилар жам.

ҲАРФЛИ МИСОЛ

Ҳарфларни бирдан тўққизгача бўлган рақамлар билан алмаштириб ифодани ҳал этинг. Бунда бир хилдаги ҳарфлар бир хил рақамларни англатади. Ечимни бир неча усулда ҳал қилиш мумкин.
Ф. ОРИПОВ.

**БИР
+ ИККИ
УЧ
ОЛТИ**

ТАРИХ ДАРСИДА

— Темурнинг "юриш"лари нима билан тугаган?
— "Ўтириш" билан.
ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА
— Тинч океанида нималар йўқ?
— Тўпалончи балиқлар...

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

— "Салим конфетни еёлмади" деган гапнинг эгаси ким?
— Карим!
АДАБИЁТ ДАРСИДА
— Рубойини нима учун ҳамма яхши кўради?
— Чунки у яхши одам бўлгандир-да...
Хайрулло ҲАМИДОВ.



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Хайриятки, Синдбод ўзини қуш оёғига маҳкам боғлаб олган экан, бўлмаса иккалалари ҳам кулаб, асфалософилига кетишлари турган гап эди. "Қушнинг оёғига тармаш, панжасига чиқиб ол", — деб маслаҳат берди Синдбод. Қўрқоқ кемачи жон ҳалпида юқориқ кўтарилиб, қушнинг панжасига ўтириб олди, энди у пастга кулаш хавфидан қутилган эди.

Рух қуши уларни кўтарганича осмону фалакда учиб борарди. Кўп ўтмасдан ер ҳам кўринмай кетди. "Бу беақл парранда қаерга бориб кўнар экан, а?" — деб ўйлаб борарди Синдбод. — Ишқилиб, эсон-омон ерга тушиб олайлик-да..."

Ҳаводаги сайёҳлар қушнинг оёқларига маҳкам тармашларича кетиб боришарди. Қуш анчагина учди. Узоқдан қорли тоғлар кўринди. Қуш ўша томонга қараб пастлаб бошлади. "Ёмғирдан қочиб қорга тутиламиз шекилли, — деб хаёлидан ўтказди Синдбод. — Агар қуш бу тоғларга кўнса тошларга урилиб парча-парча бўлмасак-да..."

Қуш пасайгандан пасайиб тоғ чўққилари орасидаги кичик, тор водий томонга шўнгиди. Синдбод ўзини хушёр тутиб турди. Аҳволи қалай экан, деб Қўрқоқ кемачи томонга қаради: у қушнинг оёғига маҳкам тармашганча кўзларини чирт юмиб олган эди. Бу орада қуш чўққилар орасидаги бир баландликка кўнди. У оёғини охиеста қўйгани учун сайёҳларга зарар қилмади. Соғ-саломат ерга тушиб олишганидан боши осмонга етган Синдбод шоша-пиша ўзини қушнинг оёғидан еча бошлади. Қуш тоғ орасидан ниманидир чўқиб, тумшугига қисганча осмонга учди. Қуш тумшугида катта илонни кўтариб кетарди. У тобора юқорилаб борар, ҳали чалажон илон унинг тумшугида жон-жаҳди билан билангларди.

"Абулхасан қаерда экан?" — деб ўйлади Синдбод атрофга қараб. Қўрқоқ кемачи ҳеч қаерда

кўринмасди. "Бечора охириги дақиқада пастга куладимикин?" — деб ўйлади у ҳамон ўз ҳамроҳини топишдан умидини узмасдан. Бирдан чўққининг пастроғидан Қўрқоқ кемачининг "Вой дод, ўлдим! Ердამга!" — деган ваҳимали бақириви эшитилди. У чўққи остидаги гор эшигида кўрқувдан ўзини йўқатаётган Қўрқоқ кемачини кўрди. Бир йўғон илон оғзини катта очганича уни ютаман, деб турарди. Афғидан, у қушнинг оёғидан тушгану қочиб ўзини шу горга урган, бу ерда эса илонга дуч келган. Синдбод ердан катта бир тошни олди-

Синдбод Қўрқоқ кемачидан. "Ҳа, ҳожам, сизнинг раъйингизни қайтариб аҳмоқлик қилган эканман. Йиқилиб тушиб ўламан, деб кўрқувдим. Қуш учишга ҳозирланганда қарасам — елғиз қолиш ундан ҳам даҳшатлироқ... Охириги дақиқада жон ҳолатда унинг оёғига ёпишиб олдим, — деди Қўрқоқ кемачи ҳамон кўрқувдан дир-дир титраб. "Қуш кўнганда нега дарров гойиб бўлдинг?" — деб сўради ундан Синдбод. "Жон ширин, чўқиб еб қўймасин, деб кўрқдим-да... Қарасам, бир гор кўринди, шунга ўзимни урдим. У ерда эса лаънати илон... нақ ютиб

устундай келадиган газанданинг тепадан унга қараб бош чўзаётганини кўрдию, чаққонлик билан ўзини четга олди. Қўрқоқ кемачи эса аллақачон жуфтани ростилаган, ҳув нарида лапангланганча қочиб борарди. Бирдан у нимагадир қоқилиб йиқилиб тушди. Сўнг бор овози билан: "Вой, ўлдим! Илон! Яна илон!" деб бақира бошлади. Синдбод у томонга шошилди, келиб қараса Қўрқоқ кемачи йўлда кўндаланг ётган кундадек илонга қоқилиб йиқилган экан. Ухлаб ётган илон бошини кўтариб Қўрқоқ кемачига човут солди,

кемачи. "Тўғри айтасан, Абулхасан, — деди Синдбод, — ўзимиз омон қолсак бўлди".

Шу пайт осмонда учиб келаятган катта бир қушни кўрдилар. Унинг чанғалида узунчоқ бир нарса бор эди. Қуш пастлаб уларнинг яқинига кўнди-да, чанғалидаги нарсани ерга қўйди. Қушдан кўзларини узмай турган Синдбод билан Қўрқоқ кемачи не кўз билан кўрсиналарки, қуш чанғалидаги нарса — одам экан. У ҳали тирик шекилли, ох-воҳ уриб фарёд қила бошлади. Синдбод билан Қўрқоқ кемачи ерданга югуришди. "Ҳай-ҳайлаб бақириб-чақириб, тош отиб қушни ҳайдаши ва чўзилиб ётган одамга яқинлашиб, бошини ердан кўтаришди. Қарасаларки, у — савдогар Абулхасан экан! Қўрқув ва оғриқдан ўлар ҳолатга ётган савдогар бироздан сўнг хушига келиб кўзини очди ва Синдбод билан Қўрқоқ кемачини таниб, уларга миннатдорчилик билдирди, кейин ўз бошидан ўтганларни гапириб берди. Ўшанда хурмо тераман, деб кемадан қолиб кетибди, елкасига боғланган халтаси уни нақ сув остига тортиб кетаезибди, сўнг бир тахтага ёпишиб, не азоблар билан сузиб киргоққа чиқибди, саҳрода ухлаб ётганда уни шу қуш кўтариб, буёққа олиб келибди.

Савдогар Абулхасан шундай дедию, бирдан кўзи ерда ётган тошга тушиб, дик этиб ўрнидан туриб кетди. "И-е, ахир, бу — ёқут-ку? — деди у ҳаяжондан кўзлари олайиб. — Мана буниси эса гавҳар! Булар жуда қимматбаҳо тошлар! Биз росаям бойиб кетамиз! Буларнинг ҳар биттаси бозорда қанча туришини биласизларми?" "Тўғри, бу тошлар қимматбаҳога ўхшайди, — деди Синдбод. — Лекин олдин бу ердан қутулишни ўйлаш керак". Абулхасан бу сўзларни эшитиб индамади, аммо у атрофни тимирскилаганича қўлига тушган тошни ёруққа солиб кўрар ва шоша-пиша қўйнига урарди. Синдбод билан Қўрқоқ кемачи очкўз савдогарнинг бу қилигини кўриб қулиб қўя қолишди.

(Давоми бор.)

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

СИНДБОДНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Замонавий эртак

да илоннинг бошига урди. Калласи мажакланган илон кучала бўлиб пиртлашга тушди. Синдбод Қўрқоқ кемачини қўлидан етаклаганича тезлик билан бу ердан узоқлашишди. "Ҳожам, мени иккинчи бор ўлимдан қутқардингиз, энди ўла-ўлгунча кулингизман", — деб кўз ешини оқизганча Синдбоднинг қўлини ўпти Қўрқоқ кемачи. "Тезроқ юр, бу ер гаплашиб ўтирадиган жой эмасга ўхшайди", — деди Синдбод. Улар кўрқинчли гор оғзидан анча узоқлашишгач, нафасларини ростлаш учун тўхташди. "Хўш, қани, энди айтчи, қуш оёғига қандай ялашиб қолдинг? Ахир, менинг тақлифимга кўнмаган эдинг-ку?" — деб сўради

юбораёзди. Энди ўлсам ҳам сизнинг гапингиздан чиқмайман, — деди Абулхасан кўз ешларини артиб. — Мени кечиринг..." "Ўтган ишга саловот, — деди Синдбод, — энди бу ердан қутулиш йўлларини ўлайлик... Қаерга келиб қолдик экан ўзи?" Улар атрофларига аланглаб қарашди: тўрт томонда осмон ўпар тоғлар, баланд чўққилар қалашиб ётар, фақат улар турган жой тор, кичик бир водий эди. "Нахотки, бу ердан чиқиладиган бирор йўл еки сўқмоқ бўлмаса?" — деб ўйлади Синдбод. Аммо нажот йўли кўринмасди. "Ҳожам, қочинг, илон!" — деб бирдан бақириб қолди Қўрқоқ кемачи. Синдбод ялт этиб орқасига қараган эди йўғонлиги

у ўрнидан тура солиб додлаб қочди. Синдбод нима қиларини билмай тўхтаб қолди. Тонг отиб, тоғлар орасидан қуёш кўтарилиб келар, чўққилар аллақандай рангда жилолана бошлаган эди. Тоғ торқишларида, оёқ остиларида сочилиб ётган тошлар офтоб нурида ярқираб, нурланиб кетди. Синдбод бу манзарарга ҳайрон бўлиб турган эди ҳамки: Қўрқоқ кемачи ердан бир бошни кўтариб: "Қаранг, ҳожам, бу қимматбаҳо тош шекилли?" — деб сўраб қолди. Синдбод қараса бу тош соф гавҳар. "Ҳа, гавҳар бу", — деб жавоб қилди. "Менга булардан бирортаси ҳам керак эмас, шу ердан соғ-омон чиқсак бас", — деди Қўрқоқ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ



Таҳрир хайъати:
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚўМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учкуни"
номи билан чиқа бошлаган

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТЕУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64563

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.